




**EOC**  
EUROASIAN  
ONLINE  
CONFERENCES

# GERMANY CONFERENCE

**INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
SCIENCE, ENGINEERING AND  
TECHNOLOGY**



Google Scholar

zenodo

OpenAIRE

doi = digital object  
identifier

eoconf.com - from 2024




**INTERNATIONAL CONFERENCE ON SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY:**  
a collection scientific works of the International scientific conference –  
Hamburg, Germany, 2026 Issue 3

**Languages of publication:** Uzbek, English, Russian, German, Italian,  
Spanish,

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference « **INTERNATIONAL CONFERENCE ON SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY** ». Which took place in Hamburg 2026.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.





UDK: 37.013

**Бўлажак муҳандисларни касбий тайёргарлигини ривожлантириш  
методологиясини такомиллаштириш йўналишлари  
Chorieva M.M.**

Buxoro davlat texnika universiteti dotsenti

**Аннотация.** Ушбу мақолада тикувчилик технологияси ва кийим конструкцияси фанлари асосида бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг методологик асослари таҳлил қилинган. Кийим лойиҳалаш, конструкциялаш, технологик жараёнларни ташкил этиш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, тикувчилик саноати учун рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда амалиётга йўналтирилган таълим ва инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** тикувчилик технологияси, кийим конструкцияси, муҳандислик таълими, касбий компетенция, моделлаштириш, технологик жараён.

**Кириш.** Тикувчилик саноати замонавий енгил саноатнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш юқори малакали муҳандис-технолог ва конструктор мутахассисларни талаб қилади. Шу сабабли олий таълим муассасаларида тикувчилик технологияси ва кийим конструкцияси фанларини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда енгил саноатни ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда [1]. Шу билан бирга, таълим тизимида мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда [2]. Тикувчилик технологияси ва кийим конструкцияси фанларининг касбий тайёргарликдаги ўрни тикувчилик технологияси ва кийим конструкцияси фанлари талабаларда кийимларни лойиҳалаш, конструкциялаш ва технологик ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиради.

Бу фанлар орқали талабалар куйидаги компетенцияларга эга бўладилар:  
-кийим моделларини лойиҳалаш, кийим конструкциясини ишлаб чиқиш, материаллар хусусиятларини таҳлил қилиш, технологик операцияларни режалаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш

Мутахассислар таъкидлашича, тикувчилик соҳасида самарали таълим жараёни талабаларнинг назарий билимларини амалий фаолият билан уйғунлаштиришни талаб қилади [6].

Касбий тайёргарлик методологиясини такомиллаштириш йўналишлари

Талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда кийим лойиҳалаш ва конструкциялаш жараёни муҳим ўрин тутди. Бу жараёнда талабалар:

- кийим эскизларини ишлаб чиқадилар

- базавий конструкцияни куришни ўрганадилар
- моделлаштириш ишларини амалга оширадилар

Бу усул талабаларда ижодий ва техник фикрлашни ривожлантиради.

Тикувчилик технологияси фанини ўқитишда технологик жараёнларни таҳлил қилиш ва моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

-материал танлаш, деталларни кесиш, технологик операцияларни бажариш тайёр маҳсулотни назорат қилиш, Бундай ёндашув талабаларга ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш имконини беради [7].

Замонавий тикувчилик саноатида компьютер технологиялари кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли таълим жараёнида қуйидаги дастурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Булар САД тизимлари-3D кийим моделлаштириш дастурлари-автоматлаштирилган лекало тайёрлаш тизимлари дастурлари билан лойиҳалар тайёрланади. Бу технологиялар талабаларга кийим конструкциясини рақамли муҳитда яратиш имконини беради [8].

Тикувчилик технологияси фанини ўқитишда лаборатория ва амалий машғулотлар муҳим аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши мумкин:

Лекало тайёрлаш, кийим деталларини кесиш, технологик операцияларни бажариш, маҳсулот сифатини баҳолаш. Бу жараён талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиради. Тикувчилик соҳасида талабаларни ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён- ишлаб чиқариш амалиётлари, технологик лойиҳалар, саноат корхоналари билан ҳамкорлик, орқали амалга оширилади. Бу эса талабаларга реал ишлаб чиқариш муҳитида тажриба орттириш имконини беради [10].

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, тикувчилик технологияси ва кийим конструкцияси фанлари асосида бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш таълим жараёнини замонавий методологик ёндашувлар асосида ташкил этишни талаб қилади. Кийим лойиҳалаш, конструкциялаш, технологик жараёнларни таҳлил қилиш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса келажакда енгил саноат соҳасида юқори малакали ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- [1] Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. <https://lex.uz/docs/4545884>
- [2] Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>
- [3] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.
- [4] Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения.
- [5] Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма образования.
- [6] Вербицкий А.А. Компетентностный подход в образовании.
- [7] Biggs J., Tang C. Teaching for Quality Learning at University.